

Ур



MILLIY TIKLANISH

24 (396) ● 2016 йил 22 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДПнинг "Ўзбекистон ёшлари: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" фестивалининг минтақавий босқичлари якунланди

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 5 мансабдор шахс ҳисоботи тингланди

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуннинг кучга киргани электрон ҳукуматнинг ягона инфратузилмасини яратишга кенг йўл очди

МУСТАҚИЛЛИК

25

ЙИЛ



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Фракция ҳаёти

Демократик кучлар блоки

янги қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарини белгилаб олди

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида қонун лойиҳалари юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, парламентда кўпчиликни ташкил этувчи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат Демократик кучлар блокнинг йиғилишида айни пайтда палатада иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси жорий йилнинг 5 май кунини Қонунчилик палатасида мажлисида муҳокама этилиб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган эди. Демократик кучлар блоки аъзолари иккинчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳасини ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқдилар.

> 2-бет.

Давра суҳбати



Сардор Муллажонов суратлари



Миллий иқтисодиёт

рақобатбардошлигини янада ошириш — долзарб вазифа

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, бир қатор вазирлик ва давлат идоралари масъул ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов олиб борди.

— Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденцияларга қарамай, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва макроиқтисодий мувозанат таъминланмоқда, — деди партия етакчиси. — Натижада халқимиз фаровонлиги ва турмуш даражаси ошиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

> 2-бет.

Миллий ғурур

Инновация — таракқиётнинг муҳим омили



Мамлакатимизда илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва изчил янгилашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори илм-фан ютуқлари ва янги технологияларни амалиётга жорий этишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

> 6-бет.

Муносабат

Мустақиллик — озода юртда яшаш, ўз тақдирингни ўзинг белгилаш, келажакингни ўз қўлинг билан яратиш демократиядир. Аجدодларимиз орзу қилган мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини, тенглар ичида тенг бўлиш, ер ости ва усти бойликларидан ўзимиз учун фойдаланиш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини мустақил белгилаш, адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш, бир сўз билан айтганда, миллий давлатчилигимизни шакллантириш имконини берди. Мустақил таракқиёт йилларида босиб ўтган шонли йўлимиз, барча соҳада эришган оламшумул ютуқ ва марраларимиз халқаро экспертларнинг ҳолис баҳо ва эътирофига сазовор бўлгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Асрга татиғулик йиллар

Бугун истиқлол неъматини ва шуқуҳини мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳаси, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси орзу-умидларида кўриш ва ҳис қилиш мумкин. Мустақиллик халқимизнинг тарихий ютуғидир. Шу йилнинг 2 июнида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарори мустақилликнинг қадрига етиш, уни муносиб кутиб олиш ва асраб-авайлашга қаратилган энг муҳим йўналишларни белгилаб берди. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" ғояси ўзида ҳар бир ватандошимиз интилиши ва орзу-умидларини мужассам этди.

> 3-бет.

Таҳлил ва таққос

Партия гуруҳлари фаоллиги

худудлар ривожини, сайловчи ишончининг ортишини таъминлайди

Мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бераётир. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар фуқаролар муносабатлари асосида маҳаллий Кенгашлар сессиялари, доимий комиссиялар муҳокамасига партия сайловолди Платформаси ҳамда электорати манфаатларига мос масалалар киритишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этиш, ўз ечимини қутаётган айрим масалаларни ўз вақтида ҳал этишга қаратиш таъминлайди ва ташаббусларни илгари суришда партия гуруҳлари муҳим ўрин тутади.

ЎзМТДПнинг дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қонунлар ва бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли корхона, ташкилот ва мансабдор шахсларга фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан депутатлик сўровлари билан чиқиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, долзарб ҳудудий масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиш ва депутатлик назоратини олиб бориш партия гуруҳлари зиммасидаги энг муҳим вазифа саналади.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Маърифатли дунёга очилган ЭШИК



> 5-бет.

Обод юртнинг файзли боғлари



> 6-бет.

Вулқонлар миллий хиёбони

Вулқонни рамзий маънода "ер остидаги аждар" деб аташади



> 7-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

Болалар адабиёти

Мустиқлик шарофати билан ўзбек адабиёти том маънода янгилашни жараёнини бошдан кечирмоқда. Адабиёт инсон маънавиятини юксалтиради, дидини тарбиялайди, қалбида гўзаллик, ҳақиқатга садоқат, инсонпарварлик туйғуларини мустақкамлайди. Зеро, Президентимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарига таъкидлагандек, “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қайимий тарихи ва ёруғ келажигини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввало, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”.

Бу жараёнда, айниқса, болалар адабиёти фарзандларимизнинг маънавий ва маданий дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Макону замон сарҳадлари оша болаларнинг беғуборлигию самимиятини ўзида жо этган, тиллардан дилларга кўчи келатган халқ оғзаки ижодиёти барча санъат турлари, хусусан, адабиёт, болалар адабиётида ҳам ўз аксини топган, топиб келмоқда.

Жаҳон адабиёти миқёсида олиб қараганимизда, болалар адабиёти жуда кат. Чунки, болаларнинг ўз тили, дунёси, феъл-атвори бор. Агар ижодкор болалар оламига қайси кўз билан қараганини ҳис этмаса, жажжи қалблар билан тиллаша олмайди. Бугун мамлакатимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Болалар учун адабий нашрларнинг мазмун-савияси замон талаблари ва миллий қадриятларимизга мосми? Улар оламига кириб бориш ижодкордан нималарни талаб қилади?

— Шу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг куйидаги сўзлари эсга тушади: Болалар ёзувчиси болалар асарини устидан ишлаётганда ўша асар тугагунча бола бўлиб туриши керак. Бўлмаса, бу асарни ҳеч ким ўқимайди, — дейди Ёзувчилар уюмчаси болалар шеърини кенгаши азваси Турсунбой Адашбоев. — Аввало, болалар ёзувчиси тўғма бўлади. Соддалиги, ишонувчанлиги, самимийлиги болаликдан мерос. Шу хусусиятларни ўзинида сақлаб қолсангиз, ёзганингизни бола ўқийди, бўлмаса йўқ. Улар дунёсига кириш учун бола каби сақлаб қувонишу болаларча йиллаш

ва ҳатто аразлашни ҳам билишингиз лозим. Болалар адабиёти, лўнда қилиб айтганда, болафеълроқ бўлиши керак. Шеърларимнинг асосий қисмини фарзандларим кичиклигида ёзганман. Ҳар кун улар билан мулоқотда бўлиш ижодимда энгиллик яратарди. Болаларим улгайгани сари ижод қилиш бироз мураккаблашди. Набираларим туғилганидан сўнг яна жўшқин ижодга қайтдим. Чунки гўдакларнинг тили, беғубор феъли кўз олдимда янгидан пайдо бўлди. Улар билан мулоқотда бўлиш ҳар қандай адибни ижод қилишга ундаши табиий.

Биз адиблар кўплаб ижодий учрашувларда, давра суҳбатларида иштирок этамиз. Ана шунда кўпчилик болалар адабиётининг бугунги аҳволи билан қизиқади. Болалар адабиёти ҳақида сўз борганда ҳеч қачон жуда зўр, уларга тегишли барча мавзу ёзиб бўлинди ёки ёзилмади, деб мақтаниб бўлмайди. Қониқиб ҳосил қилсак, тўхтаб қоламиз. Келажгимиз эгалари учун ҳамма бирдек ҳаракат қилмоғи даркор. Айни пайтда ахборот технологиялари ривожланиб бормоқда. Боланинг техника билан боғлиқ оламининг яхши-ёмон томонларини тасвирлаш, уларнинг қалбини, туйғуларини сақлаш — бугунги адабиётнинг вазифаси. Телевизор, Интернет каби воситалар болани ёшлигидан чеклаб қўймоқда. Улар ташқи оламдан ажралиб қоляпти. Болалар вақтида ўйнаши, тўполон қилиши, чўмилиши ва кўпроқ табиат кўйида бўлиши керак. “Қушлар” сарлавҳали шеъримда айни шу мавзунини кўтарганман: унда зағизоннинг кўчадан телефон топиб олгани-ю, унинг воситасида дўстларига “смс” ёзгани ҳикоя қилинади.

Жаҳонга бўйлашадиган асарларимиз бор, лекин уларни жаҳонга бўйлаштириш учун таржима масаласи кўндаланг турибди. Аввало, катта воқеа бўладиган асарлар ниҳоятда кам. Қанийди, Ҳамид Олимжоннинг “Анвар Обиджоннинг асарлари дунё тилларига қойиллатиб, ўзбек тилида қандай жаранглаган бўлса, шундайлигича таржима қилинса. Афсуски, йўқ. Таржима ҳақида гап кўп бўляпти, бу энди уринишлар. Бу каби таржималар билан ўзимизнинг кўнглимизни кўтаришимиз мумкин, бироқ мақтанаолмаймиз.

Икки йил аввал “Ғунча” журнали тахририяти билан ҳамкорликда бир тажриба қилдик. Бу ўзини оқлади: Самюэль Маршакнинг “Три мудреца” шеърини асл ҳолича чоп этиб, танлов эълон қилдик. Буни қарангки, турли вилоятлардан турли ёшдаги профессионал-ҳавасдор таржимонлардан шеърнинг таржима вариантлари оқиб кела бошлади. Худди шу тажрибани “Жаҳон адабиёти” журналида ҳам қўлласак, жуда дуруст иш бўлар эди. Болалар учун ёзувчи адиб икки қарра ижодкор бўлиши зарур. Шунинг учун болалар адабиётига йилига бир-икки ижодкор кириб келса ҳам адабиётимиз учун фавқуллоҳ воқеа саналади.

Дарҳақиқат, болалар адабиёти

ҳизмат қияпти, уларнинг сони кўпайиб, сифати яхшиланиб бораёпти. Фарзандларимизни илмга, фанга, маънавиятга қизиқтиряпти. — Истиқлолга эришганимизга 25 йил бўлаётган бўлса, шу давр мобайнида барча соҳада, айниқса, адабиёт соҳасида ҳам туб ўзгариш юзга келгач, публицистика ёш авлод ҳаётини, турмушдаги ютуқ ва камчиликларга мос ҳолда ҳозиржавоблик билан ёритувчи ижтимоий ҳодисага айланиб, том маънода шаклланиб, ўзига хос тамойиллар касб этмоқда, болалар дунёқарашини ва тафаккурини шакллантирувчи,

пайдо бўлган ижод завқини тарбиялаб ўстиришга ҳаракат қиламиз. Болаларга ёзиш учун бола бўлиш керак, дейишади. Бу айни ҳақиқат. Уларга ёзиш учун бола дунёсини, содда ва ширин тилини, қизиқиб ва интилишларини, руҳиятини яхши билиш керак. Агар шу беғубор оламга йўл топа олсангиз, ўзингиз ҳам бир муддат барча ишингизни унутиб, болага айланасиз, катталар илғамайди деган рангларини илғайсиз, боладек содда, боладек тўғри, боладек беғубор бўласиз. Шу билан бирга уларнинг тарбияси, маънавияти, ақлу заковати ҳар томонлама тўқис бўлиши учун ҳаракат қиласиз.

Кичкина шеъримиз, ҳикоямиз билан уларнинг қалбига яхшилик уруғини қадасак, оқ билан қорани, эгри билан тўғрини фарқлашга ўргатсак, қаердадир дадил, журъатли бўлишга ундасак, шунинг ўзи катта бахт. Ўрни келганда, улар билан бирга ўйнаб, бирга қувнаймиз, кези келганда эса муаммоларни биргалашиб ҳал қиламиз.

Юртимизнинг улкан тўйи — улуг айём арафасида ортага назар ташлар эканмиз, бугунги дорилмон кунлар кўз олдимизда ўзгача кўринишда намоён бўлаверди. Айниқса, собиқ тузум даврида болалар нашрлари санокли эди. Бугун эса уларнинг сафи кундан кунга кенгаймоқда. Ўйлайманки, бу нашрлар ёш авлоднинг диди, илмий салоҳиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ўсиб келаётган ёш авлоднинг мутолаага бўлган қизиқишини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда болалар учун доимий нашрлар, нашриётлар фаолият юритмоқда. Хусусан, халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика болалар кутубхонаси фарзандларимизнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини ошириш, улар онгидан ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг январь ойидан бошлаб Ўзбекистонда биринчи марта аудио дискли “Болалар адабиёти” журналини нашр этмоқда.

— Миллий маънавиятимизни асраш ва уни келажак авлодга етказиш мақсадида юртимизда салмоқ-

ли ишлар амалга оширилатир, — дейди “Болалар адабиёти” журнали бош муҳаррири Дониёр Уролов. — Жумладан, камол топаётган болаларнинг қалбини илм зиёси билан ёритиш ва уларнинг онгини, маънавиятини юксалтириш мақсадида нашр этилаётган журналимиз ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан яқиндан таништириш, уларда миллий гурур туйғусини янада юксалтириш ҳамда Ватанга садоқат туйғусини улуғлашни ўз олдига мақсад қилган. Айни дамда болажонларнинг сеҳрли оламининг ўзида муҳассам эта олган журналимизда ўзбек ва жаҳон болалар адибларининг энг сар асарларини чоп этиялмиз. Журналга илова тарзда СД диск ҳам тақдим этилади. Унда журнал саҳифаларида эълон қилинган асарларнинг МПЗ шакли ўрин олган. Бунинг ижобий тарафи — кўриш имконияти чекланган болалар учун бу айни муқдасо. Бундан ташқари, журналимизда болажонларнинг мутолаа маданиятини, фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган қатор янги лойиҳаларни амалга оширялмиз. Масалан, “Эртанги ўқиб...” рукнида ўқувчилар маълум эртанг ҳақидаги фикрларини баён этишса, “Йўлчиқроқ” рукнида энг муҳим ижтимоий-маънавий масалаларда уларга сабоқ берилади, “Жажжи олимлар учун” саҳифасида эса бадиий жанрлар таснифи ва таҳлили бериб борилмоқда. Журналимиз нафақат болажонларнинг балки, уларнинг беғубор дунёсига ташна дилларнинг ҳам энг сеvimли нашрига айланишига умид қиламиз.

Дарҳақиқат, жажжи ўғил-қизларимиз эл-юртнинг қувончу ташвишлари асосан нималарда намоён бўлишини, ҳаётимиз ҳамиша фаровон бўлиши учун одимлик, меҳнат-севарлик, оилапарварликдан ташқари, тўғрисузлик, аҳиллик, ҳалоллик, айниқса, адолатнинг ўрни нечоғлик улкан эканлигини қанчалар эрта англаб етса, жамият учун шунчалар қайишувчан бўлиб улгайди. Зеро, илму маърифатга интилиш бизга аждодларимиздан мерос. Мутолаа инсоннинг ақлини чархлайди, уни яхшиликка етаклайди, маърифий куч-қувват беради.

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Маърифатли дунёга очилган эшик

Кўрик-танлов

Интеллектуал беллашув

Пойтахтимизда “Билимлар беллашуви — 2016” кўрик-танловининг мамлакат босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иқтидорли ўқувчилар иштирок этмоқда.

Танлов очилиш маросимида халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёр ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури натижасида мамлакатимизда замонавий таълим тизимига асос солиниб, янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустақкам пойдевор яратилганини таъкидлади. Истиқлол ёшлари чуқур билимли ва юксак маънавиятли инсонлар бўлиб воёга етмоқда.

Аънавий “Билимлар беллашуви” илмий ва ижодий салоҳияти билан тенгдошларига ибрат бўлаётган ўғил-қизларини аниқлаш ҳамда рағбатлантириш қаторида давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг жойлардаги ижросини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, умумтаълим мактаблари ва худудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятига ҳолисона баҳо бериш мақсадларига йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

“Билимлар беллашуви” 5-8-синф ўқувчилари ўртасида 16 умумтаълим фанидан ташкил этилиб, танлов мактаб, туман (шаҳар), вилоят, республика босқичларида ўтказилади. Бу йилги билимлар беллашувининг дастлабки босқичларида 2 миллион нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этди. Улар орасидан юқори ўринларни қўлга киритган 500 ўқувчи беллашувининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

16-17 июнь кунлари ўқувчилар аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар (математика, физика, информатика, кимё, биология, геогра-

фия, тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари фанлари) йўналишида баҳслашган бўлса, 29-30 июнь кунлари эса филология фанлари (она тили ва адабиёт, инглиз, француз, немис тили, ўзбек тили ва рус тили) йўналишида ўз билимларини синовдан ўтказди.

— Мазкур танловда қатнашаётганимдан мамнунман, — дейди Бухоро вилояти Пешку туманидаги 18-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Жаҳонгир Норбоев. — Юртимизда биз, ёшларнинг пухта билим олиб,

мазмунли ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шароит яратилган. Жонажон Ватанимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, болалар учун кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор ўқишга бўлган иштиёқимизни янада орттирмоқда. Жорий йилнинг август ойида Таиландда бўлиб ўтайдиган мактаб ўқувчилари ўртасидаги математика фани бўйича халқаро мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қиламан. Мақсадим — Ватанга олтин медаль билан қайтиш.

“Билимлар беллашуви” да юқори натижага эришган ўқувчи-ёшлар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Қуёшли” интеллектуал-ривожлантириш оромгоҳида ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлади.

Т. АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири



ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда қудратли курулдор.

Фақатгина бадий асаргина болаларни турли мафкуравий таҳдидлардан асрашга қодир. Болалар адиби содда, раvon, қизиқарли ва мазмунли ёза билиши керак. Бугун республикамизда бу йўналишда 9 газета, 19 журнал фаолият кўрсатади. Болаларгагина ихтисослашган махсус нашрлар, адабиёт намуналари пайдо бўлиши билан ўзбек болалар журналистикасига том маънода пойдевор қўйилди. Болалар ва ўсирилларга мўлжалланган журналистика бағрида эса, ёшларнинг ўз фикри, моддий ҳаётга муносабатларини ифodalовчи болалар ижоди ҳам буй кўрсата бошлади. Газета-журналлар болажонларимизнинг маънавий, рухий, ақлий ўсишига

РЕКЛАМА

“ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ” УК

Хоразм вилояти шаҳар ва тумангаз филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва Урганч шаҳаргаз филиали жамоаси

Юртимизнинг барча журналистлари, нашриёт ва матбаа соҳаси жонкуярларини

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан самимий қутлайди.

Эзгу ниятлар билан амалга ошираётган ишларингизда доим омад ёр бўлсин!

Маданият масканларида

Обод юртнинг файзли боғлари

Президентимиз раҳамомлигида юртимизнинг барча ҳудудида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир ишчи — муҳташам сарой ва кошоналар, тураржой бинолари, ижтимоий инфратузилма объектилари, дам олиш ҳамда зиё масканлари архитектурада миллий ҳамда замонавий меъморчилик анъаналарини ўзаро уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, улар атрофи ландшафт дизайни асосида кўчмадорлаштирилмоқда. Сув ҳавзалари, фавворалару кўркям дам олиш масканлари ҳудудлар қиёфасига ўзгача чирой ва гўзаллик бағишлайтир.

...Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳот боғини айланар экансиз, жазирама кундаги сўлим манзара кайфиятингизни кўтарди. Хушманзара дарахтлар, озода ва шинам ўриндиқлар, болажонлар ва катталар учун турли аттракционлар, боғнинг намлигини сақлаш мақсадида барпо этилган кўл аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқаришига қулайлик яратмоқда. Боғнинг томоша сахнасида болажонлар учун Ёш томошабинлар театрининг "Оппоқ ой" спектакли намойиш этилмоқда. Кимдир фарзандини, кимдир набирасини томошага олиб келган. Болажонлар диққат-эътибори сахнада.

— Шаҳримиздаги бундай боғларга набираларимизни олиб келиш баробарида ўзимиз ҳам ҳордиқ чиқарамиз, — дейди чилонзорлик

Хайринисо Мингнорова. — Чунки боғлардаги шаҳар шароитига мос, чидамли, соябоп ва манзарали бўлган япон софораси, лола дарахти, жўка, каштан, эман, заранг каби дарахтларнинг соғлиққа фойдаси катта.

Мана шундай шинам ва замонавий боғлар нафақат пойтахтда, балки юртимизнинг барча гушасида юқори даражадаги шароитлар билан бунёд этилиб, мавжудлари эса қайта реконструкция қилинмоқда. Улар бугунги кунда мамлакатимизда бунёдкорлик лойиҳаларининг муҳим таркибий қисмига айланди, десак адашмаймиз.

Масалан, биргина Тошкент шаҳрида 14 маданият ва истироҳот боғи мавжуд, шулардан 10 боғ қайта таъмирдан чиққан, қолганларида таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

— Уйимиз ёнида шундай замонавий боғ барпо этилганидан хурсандимиз, — дейди Олмазор туманидаги "Нурафшон" боғига келган Гулноза Мирзаева. — Замонавий аттракционларда мароқ билан ўйнаган фарзандларимнинг ҳам қувончи чексиз. Боғдаги бунёдкорликни кўриб, кўз қувнайди, дил яйрайди.

Ҳақиқатдан ҳам, боғларнинг аввалги кўриниши билан ҳозирги қиёфаси таққосланса, бунёдкорлик манзаралари кишига гурур бағишлайди. Дам олиш масканларининг янада кўркям ва замонавий бўлиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори соҳага қаратилаётган улкан эътибор-



нинг ёрқин намунаси. Шунингдек, маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, замонавдорларига тўлиқ жавоб берадиган аттракционлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан Ўзбекистонга 2018 йилгача четдан олиб келинадиган аттракционлар божхона тўловларидан озод этилди. Мазкур фармойишга мувофиқ, тadbиркорлик субъектлари Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий аттракционлар, ўйин қурилмалари, бутловчи буюмлар ва материалларни четдан олиб келса, 2018 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилади. Натijaда боғларимизда замонавий аттракционлар, ўйин қурилмаларининг сони ва сифати янада ортаёттир.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказидан олинган маълумотга кўра, бугунги кунгача дастурда белгиланган 225 маданият ва истироҳат боғидан 119 тасида қайта таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари бажарилган. Уларнинг 38 таси янги ташкил этилган боғлар бўлиб, 54 таси капитал реконструкция қилинган, 15 боғ капитал таъмирланиб, 12 боғда эса жорий таъмирлаш ишлари олиб борил-

моқда. Шунингдек, 119 боққа мингдан ортиқ замонавий аттракционлар ўрнатилди. Жорий йилда Андижон вилоятининг Избоскан туманида, Бухоро вилояти Қорақўл ва Жондор туманларида, пойтахтимизда "Нурафшон", "Соҳил" деб номланган янги истироҳат боғлари барпо этилди. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик, фаровонлик ва тadbиркорларга яратилган қулай ишбилармонлик муҳити самарасидир.

— Маданият ва истироҳат боғлари — нафақат ҳордиқ чиқариш, балки аҳолининг маънавий-руҳий олами юксалишига хизмат қиладиган маскан ҳам, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази бўлим mudiri Абдор Мелибоев. — Шу сабаб боғларнинг маърифат, тарбия маскани эканлигини эътиборга олиб, миллий истиқлол, ватанпарварлик, юксак маънавият, буюк алломаларимиз, замонамиз қаҳрамонларини тарғиб этадиган баннер ва паннолар ўрнатиш, бадий безатиш ишларига алоҳида аҳамият қаратиш, боғ ходимларининг касб малакаларини ошириш, улар фаолиятини замона талаблари асосида йўлга қўйиш доимий диққат-эътиборимизда.

...Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ишлари самарасида юртимиз тобора обод ва кўркям бўлиб бормоқда. Шу аснода одамларнинг турмуш тарзи, хусусан, дам олиш маданияти ривожланди. Юртимизнинг барча ҳудудида барпо этилган обод, осуда ва файзли масканлар фуқароларимизнинг оила аъзолари билан мароқли ҳордиқ чиқаришида кенг қулайлик яратмоқда. Бундай эзгу ишлар юртимиз чиройига чирой қўйиш билан бирга, фуқароларимизда бугунги ҳаётдан розилик, эртанги кунга мустаҳкам ишонччи янада кучайтирмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ(сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Миллий гурур

Инновация — тараққиётнинг муҳим омили

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бу жараёнда ёшларнинг инновацион лойиҳаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда инновацион лойиҳалар ярмаркасини ўтказиш йўлга қўйилгани саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва таълим соҳаларига оид юзлаб янги технология ва ишланмаларни намойиш этиш имконини берди. Бу халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам хизмат қилаёттир.

Жорий йилнинг 11-13 май кунлари пойтахтимизда ташкил этилган IX Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети-нинг 4-босқич талабаси Сирожиддин Насриддинов "Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" йўналиши бўйича голиб бўлди.

— Инновацион форумда "Металл учун лазерли кесиш дастгоҳи", деб номланган лойиҳам билан иштирок этдим, — дейди С.Насриддинов. — Мазкур дастгоҳдан нафақат машинасозлик балки бошқа соҳаларда ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Ушбу ишланма юқори аниқлиги, тезлиги ҳамда соф ишлов бериш технологияси билан ажралиб туради, бошқа турдаги лазерларга нисбатан электроэнергияни 30 фоиз тежайди. Унда ишлаш муддатини 400 минг соатгача кийинтириш имконияти мавжуд. Мамлакатимизда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишимизни янада ошириш билан бирга, илмий тадқиқотларимизни кенг жамоатчиликка намойиш этиш имконини ҳам бермоқда.

Бу Сирожиддиннинг илк ютуғи эмас. Ёш иxtирочи 2014 йилда VII Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида катнашиб МХ-1 деб номланган, икки томонлама шаффоф экранга эга мобил телефонни намойиш этди ва биринчиликни қўлга киритди. Ўзига хос дизайнга эга мазкур телефон корпуси зарбга чидамли шишадан ишланган, шаффоф экран эса тасвирнинг икки томонлама чиқишини таъминлайди. Ёш кашфиётчининг таъкидлашича, телефоннинг қувватланиши нанопленка орқали қуёш энергияси ёрдамида, шунингдек, корпуснинг ички қисмига ўрнатилган аккумуляторлардан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Шу сабабли аппарат қуёш нурлари орқали тўйинган ҳолда алоҳида қувватлантиришни талаб этмайди.

— Бугун ахборот технологиялари бозорига ишлаб чиқарилаётган мобил алоқа қурилмаларда бир ҳолат кузатилади — бу ҳам бўлса уларнинг бири иккинчисининг камчилигини тузатишга, кейинги авлоди ўздан олдингилари йўл қўйган хатони такрорламасликка ҳаракат қилади, — дейди кашфиётчи. — Бу эса унинг хариддорчилигини оширади. Мана шуларни ҳисобга олиб, машхур компаниялар ишлаб чиқарган турли мобил қурилмалардан фойдаланиб кўрдим. Яратилган қурилмада эса улардаги нуқсонларни йўқотишга интилдим. Кўплаб мобил алоқа воситаларининг хотираси тўлгани сари ишлаш тезлиги секинлашиб бораверади. Таклиф этилаётган телефон хотираси 60 ГБ бўлиб, у маълумотлар билан тўлса ҳам, ишлаши мутлақо пасаймайди. Бу синовдан муваффақиятли ўтди. Бундан ташқари, ушбу қурилма электр қуввати манбаисиз ишлаши, дастурларининг тезкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Энг асосийси, инсон соғлиғига зарар етказмайди. Бу эса мазкур телефонни оммалаштиради, деб ўйлайман. Мухими, "Artel", "Apple", "Sony" компанияси вакиллари лойиҳамга қизиқиш билдирди. Мақсадим — замонавий ахборот технологияларни яратиш борасида ҳам мамлакатимиз нуфузини ошириш, Ўзбекистон ёшларини ҳеч кимдан кам эмаслигини, кам бўлмаслигини халқаро миқёсда намойиш қилишдир.

— Мамлакатимизда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўйишга қодир салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун барча шароит яратилган, — дейди университетнинг иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Шавқиддин Зуллонов. — Бундан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз ўзлари танлаган соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Сирожиддин — энг тиришқок, билимли талабаларимиздан. Иқтидорли талабалар ва ёш олимлар таклиф этаётган рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларни кўпайтириш мақсадида университетимизда "Ихтирочи ёшлар мактаби" фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур мактабда 180 га яқин талабалар инновацион лойиҳалар устида иш олиб боради. Уларда "Ихтирочи ёшлар мактаби"да яратган янги лойиҳаси учун буюртма бериш, ҳимоя қилиш, патент олиш, муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланиш ва ихтиросини кенг жамоатчиликка етказиш борасида маълумотлар олиш имконияти мавжуд. Қолаверса, Сирожиддин ёш бўлишига қарамай, мазкур мактабга раҳбарлик қилади. Мақсадимиз — иқтидорли ёшларни излаб топиш, улар салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат. Ёш олимларнинг ўз қобилиятларини намоён этишига яратилаётган имкониятлар, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига муносиб ҳисса қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тadbир

Нодавлат нотижорат ташкилотлари истиқболлари

Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ривожланиш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тadbирда Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини ақс эттирадиган ушбу ташкилотлар ривож учун қулай шароит яратгани таъкидланди. Фуқароларнинг уюшмаларга бирлашиш, давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда 2007 йилда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги қонун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган қатор қонунлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини янада кучайтирди.

Матбуот анжуманида ННТлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ихроси аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб ўтилди. Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор самарасида бугунги кунда бундай тузилмаларнинг сони 8 минг 500 дан ошди, улар турли йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Адлия вазирлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этмоқда. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот, тadbиркорлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш бўйича самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Яқунда ушбу ҳамкорликнинг қўлами, йўналишлари, мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумот берилди. Мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ўз мухбиримиз

РЕКЛАМА

Қизилтепа туманидаги

“ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС” МЧЖ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари ва матбаачиларни

27 июнь — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ билан қутлайди.

Эл-юрт манфаати йўлида олиб бораётган ижодий фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз!



Бизнинг шарҳ

Эстония парламенти

бир палатали бўлиб, унда сиёсий партиядан сайланган камида беш депутат фракция тузиш имконига эга бўлади

Эстония Республикаси — Шарқий Европада, Болтиқ денгизи бўйида жойлашган давлат. Майдони 45,2 минг квадрат километр. Аҳолиси 1,3 миллион киши. Пойтахти — Таллин шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 15 уездга бўлинади. Амадаги Конституцияси 1992 йил 3 июлда кучга кирган. Давлат бошлиги — Президент. Уни парламент яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент — Рийгикогу, ижроия ҳокимиятни Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амада оширади. 2004 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг аъзоси. Пул бирлиги — евро.

фаолият юритиши мумкин эмас. Парламент ўз таркибидан бир йил муддатга Рийгикогу раиси ва унинг икки ўринбосарини сайлайди. Спикер парламент ишнни ташкил этади ҳамда унинг мажлисларини бошқаради. Спикер бўлмаганида парламент мажлисларини бошқариш ваколати унинг ўринбосарларига берилади. Эйки Нестор 2014 йилнинг 20 мартдан буён парламент Спикери лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Парламентда умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланадиган 101 депутат фаолият олиб боради. 21 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат этиб сайланиши мумкин. Рийгикогуга сайлов ҳар тўрт йилда, март ойининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Депутатлар сайлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўз вазифаларини амалга оширишга киришади. Шу куни аввалги сайловда сайланган депутатлар вазифаларини зиммаларидан соқит қилади.

Янги сайланган парламент таркибининг илк мажлисини сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг, ўн кун ичида Президент қаиради. Парламентнинг одатий сессиялари январь ойининг иккинчи душанбасидан июнь ойининг учинчи пайшанбасигача ҳамда сентябрнинг иккинчи душанбасидан декабрь ойининг учинчи пайшанбасига қадар давом этади.

Навбатдан ташқари сессиялар эса Президент, ҳукумат тақлифи билан Рийгикогу раиси эки парламентнинг бешдан бир қисми ташаббуси билан қаирилиши мумкин. Навбатдан ташқари сессияда депутатларнинг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда унда қабул қилинган қарорлар қонуний кучга эга бўлади.

Депутатлар ўз ваколатларини амалга оширишга киришиш олдидан қасамёд қабул қиладилар. Улар ўз вазифаларини бажараётган пайтда бошқа давлат лавозимларида

Парламент Конституция ва қонунларни қабул қилади, референдум ўтказиш масаласини ҳал этади, Президентни сайлайди, халқаро шартномаларни ратификация эки денонсация қилади, ҳукуматни шакллантириш учун Бош вазир номзодини илгари суради, давлат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси ҳисоботини тасдиқлайди, Президент тақлифи билан Давлат суди раиси, Эстония банк кенгаши раиси, адлия канцлерини лавозимга тайинлайди. Бундан ташқари, парламент Давлат суди раиси тақлифи билан мазкур суднинг судьяларини тайинлайди, давлат мукофотларини таъсис этади, ҳукумат эки унинг аъзоларига ишонсизлик билдиради, фавқулодда вазият тартибини жорий қилади.

Парламент комиссияларни шакллантиради. Рийгикогуда доимий, тафтиш ҳамда махсус комиссиялар тузилади. Рўйхатдан ўтган фракция аъзолари комиссиялар тақибига кирилади. Комиссиялар парламент мажлисларида муҳокама қилиш учун қонун лойиҳаларини тайёрлайди. Шу билан бир қаторда, улар ўз йўналишлари бўйича парламент назоратини ҳам амалга оширади.

Депутатлар фракцияларга бирилади. Унда сайловда қатнашган сиёсий партиядан сайланган камида беш депутат фракция тузиш имконига эга бўлади. Бир депутат фақат бир фракциянинг аъзоси бўлиши лозим. У ўз фаолиятини амалга ошираётган пайтда фракция аъзоларидан қиқизи мумкин. Депутатлар фракция воситасида ўз партияларининг го-мақсадларини қабул қиладиган қонунларга сингдиришга ҳаракат қиладилар. Парламент комиссиялари ва фракцияларининг ҳуқуқлари "Рийгикогу регламенти тўғрисида"ги қонун воси-

тасида тартибга солинади.

Парламент мажлислари очик-ошкора тарзда ташкил этилади. Бироқ депутатларнинг учдан икки қисми ташаббуси билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин. Парламентда овоз бериш очик-ошқаради. Конституция ҳамда "Рийгикогу регламенти тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, фақат мансабдор шахсларни тайинлаш эки сайлаш пайтда яширин овоз берилади.

Парламентда меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар депутатларнинг нисбатан кўпчилиги қисмининг овози билан қабул қилинади. Рийгикогу депутатлари ҳукумат ва унинг аъзоларига сўров юбориш ваколатига эга. Уларга 12 кун ичида парламент мажлисида жавоб қайтарилиши шарт.

Депутатлар дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У фақат адлия канцлери эки Рийгикогунинг кўпчилик қисмининг розилиги билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Рийгикогу аъзолари, парламент таркибининг кўпчилиги қисми овози билан тасдиқланган қарорга мувофиқ, ўзлари зарур ҳисоблаган қонун лойиҳасини тайёрлаш юзасидан ҳукуматга тақлиф билан муурожаат қилиши мумкин.

Рийгикогу давлат ҳаётига дахлдор қонун лойиҳаси эки масалани референдумга қўйиш ваколатига эга. Референдумда қабул қилинган қонунни Президент тезда имзолаши зарур. Референдум қарори давлат органлари учун мажбурий. Агар референдумга қўйилган қонун лойиҳаси етарлича овоз ололмаса, Президент навбатдан ташқари парламент сайловини эълон қилади. Бюджет, солиқ, давлатнинг молиявий мажбуриятлари, халқаро шартномаларни ратификация эки денонсация қилиш, фавқулодда вазият жорий қилиш эки бекор қилиш ҳамда давлат мудофааси масалалари референдумга қўйилиши мумкин эмас. Референдум ўтказиш тартиби "Референдум тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Парламент қабул қилган қонун Президентга тақдим этилади. Президент қонунни унга тақдим этилган қонундан бошлаб ўн тўрт кун ичида ўз эътирозлари билан қайта кўриб қиқиш учун парламентга қайтаришга ҳақли. Борди-ю Рийгикогу қайтган қонунни ҳеч бир ўзгартаришсиз қайта қабул қилса, Президент қонун-

ни имзолаши эки уни Конституцияга нечоғлик мувофиқ қилишига ойдинлик киритиш учун Давлат судига тақдим этиши мумкин. Агар Давлат суди уни Асосий қонунга мувофиқ деб топса, Президент қонунни имзолаши шарт. Қонун "Давлат ахборотномаси" ("Riigi Teataja")да чоп этилганидан ўн кун ўтиб кучга қиради.

Парламент таркибининг бешдан бир қисми ҳамда Президент Конституцияга ўзгартиш киритиш ҳуқуқига эга. Конституцияга ўзгартиш киритиш бўйича қонун лойиҳаси парламентда уч ўқишда қабул қилинади. Унга кўра биринчи ва иккинчи ўқиш орасидаги танаффус уч ойдан кам бўлмаслиги керак. Иккинчи ва учинчи ўқиш орасидаги муддат эса камида бир ой. Асосий қонунга ўзгартиш киритиш бўйича қонун лойиҳасини қабул қилиш учун референдум ўтказиш Рийгикогу депутатларининг бешдан уч қисми бу масалани ёқлаб овоз берган тақдирда амалга ошади. Референдум парламентнинг бу борадаги қарори қабул қилинганидан уч ой ўтиб ўтказилади. Конституцияга ўзгартиш киритиш ҳақидаги қонунни Президент имзолайди. У қабул қилинганга уч ой тўлганида кучга қиради.

Парламентга сайлов 2002 йил 12 июнда қабул қилинган "Рийгикогуга сайлов тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Сайлов кўп маддатли 12 округда ўтказилади. Ҳар бир округ бўйича мандатлар сонини Республика сайлов комиссияси ҳудудларнинг аҳолиси сонидан келиб чиқиб белгилайди. 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир шахс ўз номзодини фақат бир сайлов округидан илгари суриши мумкин.

Мамлакатда сўнгги парламент сайлови ўтган йилнинг 1 мартда ўтказилган эди. Сайлов пропорционал сайлов тизими асосида ўтказилди. Унда сайлаш ҳуқуқига эга қарийб 900 минг фуқаронинг 64,2 фоизи иштирок этди. Сайловда 30 мандат билан Ислоҳотлар партияси галаба қозонди. Иккинчи ўринни 27 мандат билан муҳолифатдаги Эстония центристар партияси қўлга киритди. Социал-демократик партия эса 15 ўрин билан учинчи бўлди. Қолган сиёсий партиялар парламентда нисбатан кам овоз олди.

Шаҳзод ГАФФОРОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Рангин дунё

Вулқонни рамзий маънода "ер остидаги аждар" деб аташади. Боиси ер бағрида тинч ётган вулқон ҳар қандай вақтда уйғониб, инсониятга катта ташвиш келтириши мумкин. Шу боис мазкур табиат ҳодисасининг қандай ва нима сабабдан вужудга келиши қадимдан инсониятни қизиқтириб келган.

орол маъмурияти мазкур ҳудудда жойлашган Пуна шаҳри аҳолисини хавфсиз жойга кўчиш учун тайёр туриш ҳақида огоҳлантирди. Сабаби ундан отилган лава аҳоли яшаш жойлари томон ҳаракатланишни бошлаган эди.

Гавайи оролларидаги ҳаракатдаги вулқонлардан бири — Мауна-Лоа. У жанубдан Килауэа, шимолдан Мауна-Кеа вулқонлари билан чегарадош. Мауна-Лоа гавайи ти-

Вулқонлар миллий хиёбони

Сайёраимизда шундай жой борки, у ерда вулқонларнинг яқинига бориш, уларнинг ҳаракатга келишини томоша қилиш мумкин. Бу — Гавайи вулқонлари миллий хиёбони. Гавайи оролларида жойлашган бу маскан вулқонларни томоша қилиш имконияти мавжуд дунёдаги ноёб ҳудуд саналади. Вулқон отилишига бевосита гувоҳ бўлиш истагида ушбу хиёбонга ҳар йили қарийб 3 миллион сайёх таширф буюради.

Вулқоншунослар Гавайи оролларидаги вулқонларни хавфли вулқонлар гуруҳига киритмайдилар. Бу ернинг вулқонлари ҳудди Филиппин оролларидаги Пинатубо эки Ин-

лида "узун тоғ" дегани. Бу вулқон майдони бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Бироқ вулқон жойлашган тоғ Мауна-Кеа тоғ-вулқонига қараганда 37 метрга паст. Олимлар мазкур вулқонни бундан қарийб 700 минг йил олдин ҳосил бўлган, деган тахминни илгари сууроқда. Мауна-Лоа баландлиги бўйича Гавайи оролидаги иккинчи вулқондир (денгиз сатҳидан 4 минг 169 метр баланлда). У сўнгги бор 1984 йилда ҳаракатга келган.

Мауна-Кеа Гавайидаги сўнган вулқонлардан бири. Вулқон тоғининг асосий қисми сув устида жойлашган. У сўнгги бор бундан тахми-



донезиянинг Ява оролида жойлашган Мерapi вулқонлари сингари йрик ҳалокатларга сабаб бўлмайди. Вулқонлардан отилиб чиқадиган лава атроф-муҳитга сезиларли хавф солмайди. Шу боис бундай вулқонларни унинг яқинига бориб бемалол томоша қилиш мумкин.

Гавайи вулқонлари миллий хиёбонига 1916 йилда асос солинган. Унинг майдони — 1348 квадрат километр. Хиёбон ҳудудида жами беш вулқон жойлашган. Улар орасида Килауэа ҳамда Мауна-Лоа деб номланган ҳаракатдаги вулқонлар ҳам бор.

Килауэа Гавайи оролидаги энг ёш ва фаол вулқонлардан саналади. Вулқон денгиз сатҳидан 1247 метр баланлда жойлашган. Килауэа гавайи тилида "кучли отиладиган", "тез тарқаладиган" маъноларини англатади. Халқ афсоналарига кўра, вулқоннинг энг юқори чўққисида Пеле исмли маъбуд истиқомат қилади. Ундан отилиб чиқадиган лава эса ўша маъбуднинг кўз ёшлари эмиш. Вулқон Мауна-Лоа вулқони билан ёнма-ён жойлашган. Вулқоннинг "оғзи" юмалоқ шаклда бўлиб, 3-4 километр ўлчамга эга. Унда Халемаумау кратери жойлашган. Килауэа 2008 йилдан бошлаб яна фаоллаша бошлади. 2014 йилда вулқон ҳаракатга келгани учун

нан 4,5 минг йил бурун ҳаракатга келган. Мауна-Кеа маҳаллий аҳоли тилида "оқ тоғ" маъносини англатади. Вулқон астрономик кузатув олиб бориш учун қулай ҳудудда жойлашган. Шу боис унинг чўққисида 11 мамлакатнинг 13 расадхонаси фаолият кўрсатади. Мауна-Кеанинг баландлиги сув остида жойлашган қисмидан ҳисоблаганда 10 минг 203 метрни ташкил этади. Бу жиҳатдан уни дунёдаги энг баланд тоғ дейиш мумкин. Ушбу вулқон Гавайи оролининг энг баланд нуқтаси ҳисобланади.

Гавайи оролидаги фаоллиги жиҳатидан учинчи вулқон Хуалалаи бўлиб, денгиз сатҳидан 2 минг 521 метр баланлда жойлашган. Вулқон олти кратерга эга. У сўнгги бор 1801 йилда ҳаракатга келган. Кохала эса оролнинг шимолӣ қисмида жойлашган сўнган вулқон бўлиб, денгиз сатҳидан 1 минг 670 метр баланлда жойлашган. Майдони — 606 квадрат километр. Кохала гавайи тилида "кит" маъносини билдиради.

Гавайи вулқонлари миллий хиёбони 1980 йилда Халқаро биосфера қўриқхонаси мақомини олган. 1987 йилда эса ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Акмал НОРОВ



Сув тошқини оқибатлари

Хитойнинг марказий қисмида шиддатли ёмғирлар келтириб чиқарган тошқинлар оқибатида 12 киши бедарак йўқолди, 400 минг киши хавфсиз жойга кўчирилди. Бу ҳақда "interfax.ru" хабар тарқатган.



Маҳаллий ОАВ хабарларига кўра, ёгингарчилик турар-жойлар, кўприклар ва тўғонларнинг қисман кулаб тушишига олиб келган. Шунингдек, кўплаб қишлоқ ҳўжалик экинлари сув остида қолган. Хитой метеорология хизматлари эълон қилинган

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

хавфнинг энг юқоридан кейинги — "сарик" даражасини ҳали бекор қилмади.

Тўрт минг йиллик қоятош расмлари

Новосибирск қадимшунослари Россиянинг Байкал орти ўлкасида ёши тах-




минан тўрт минг йил бўлган қоятош расмларини топиб олди, дея хабар бермоқда RATA-TASS.

Горбинца қишлоғидаги Ларки дарёси яқинида жойлашган қоятош расмлари ҳақида археологлар бундан анча аввал хабардор бўлишган. Бироқ қоятош расмлари етиб бориш қийин олис минтақада жойлашгани учун ўрганилмай қолаверган. Археологик ёдгорликка биринчи бўлиб Новосибирск давлат университетининг "Археология ва этнография" кафедраси доценти Сергей Алкин бошчилигидаги қадимшунослар гуруҳи етиб борди. Қоятош расмларида қизил ва тўқ сарик ранглардан фойдаланилган бўлиб, унда одам, буқа, дароҳт ҳамда қушлар тасвири акс эттирилган.

Ноёб микроскоп

Профессор Поль Дастор бошчилигидаги Ньюкасл университети тадқиқотчилари сканердан ўтказадиган "SHeM" гелийли микроскопини ихтиро қилди, дейилади "techcult.ru" сайтыда.

У электронлар ўрнига гелий ионли нурлар воситасида ишлаши билан одатий



электрон микроскоплардан фарқ қилади. Унинг ёрдамида олимлар одам, ҳайвон, ўсимликлар организмни, фармацевтик препаратлар, ҳатто компьютер чипларининг таркибини ўрганишлари мумкин.

Профессор Дасторнинг айтишича, микроскопларнинг ҳар бир тури йирик илмий кашфиётларга асос бўлди. Оптик микроскоп бактериялар дунёсини ўрганиш имконини берган бўлса, электрон микроскоплар нанотехнологияларга йўл очди. Бироқ мазкур микроскопнинг имкониятларини тўлиқ баҳолашнинг ҳали имкони бўлмади. Университет олимларининг фикрича, уларнинг ихтиролари қуёш энергетикаси ва ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Кўргазма

Рангин дунё рассом нигоҳида

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залига Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган бадий кўргазма ташкил этилди. Унда рангас-виричи рассом Рустам Худойбергенов асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ислом Каримов раҳнамолигида санъатни ривожлантириш, навқирон авлоднинг бадий-эстетик дидини юксалтириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар моҳир мусавир Р.Худойбергенов ижодий фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Унинг асарлари юртимиз ва хорижда ташкил этилган бадий кўргазмаларда намойиш этилган. Камалиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Х.Аминов ва бошқалар Президентимиз



маҳобатли рангасвири кафедрасида дарс бериб келмоқда.

Мусавир ўз асарларида истиқлол йилларида обод ва кўркам бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, табиат манзаралари, меҳнатсевар, фидойи ҳамюртларимиз сиймосини акс эттирган.

Кўргазмада рассомнинг "Тошкент оқшоми", "Ёмғирдан сўнг", "Дарё бўйлаб", "Чорвоқ", "Тошқин сой", "Қирғоқдаги тошлар", "Амир Темури портрети", "Жалолиддин Мангуберди" каби мавзулардаги элликдан ортиқ ижод намунаси билан танишиш мумкин.

Назokat Усмонова,
Аъло Абдуллаев
(сурат), УзА

Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари Ф.Тошмухаммедов, Камалиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Х.Аминов ва бошқалар Президентимиз

Кайфиятни кўтарувчи сабзавот

Помидор (итальян тилида "олтин олма" маъносини англатади) — итузумдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар, ярим буталар туркумига кирувчи сабзавот экини. Бу сабзавот дунёнинг деярли барча мамлакатларида (очик ва ҳимояланган ерларда) экилади. Ватани — Жанубий Америка. Янгилиги, консервланган, паста, қоқи ҳолида истеъмол қилинади.

Ўзбекистон шароитида кўчатлари иссиқоналарда етиштирилиб, сўнгра далада экилади. Помидор бир қатор фойдали, шифобахш хусусиятларга ҳам эга. У инсон организмга фақат ижобий таъсир қилиб қолмай, кайфиятни ҳам кўтарди. Таркибида органик модда — тирамин мавжуд. Бу модда организмда серотонин моддасига айланиди ва шу сабабли инсон кайфиятига ижобий таъсир қилади.



Бу сабзавот кам калорияли. Буйрак касаллиги билан оғриганларга, ортиқча вазнли ҳамда танасида ортиқча туз йирилганларга помидор тановул қилиш тавсия этилади. У ўт ва пешоб ҳайдаш хусусиятларига ҳам эга. Шу сабабдан овқат тановул қилгандан ярим соат ўтиб, бир пиёла томат шарбати ичилса, овқат ҳазм қилишдаги муаммолар йўқолади.

Модда алмашинуви жараёни бузилганда, помидор истеъмол қилиш тавсия этилади. Чунки у ўзининг шифобахш хусусиятлари билан модда алмашинувидаги иллатларни ва организмдаги туз йиғилишини бартараф этади. Артериал қон босимини меъёрга келтириш учун бир стакан томат шарбатини ичиш тавсия этилади. Кашандалар учун помидорнинг фойдаси катта. Помидорда мавжуд айрим моддалар сабабли уни мунтазам истеъмол қилиш никотин смолалари ва захарли токсин моддаларини парчалаб, уларни ҳатто ўлқадан чиқариб юборишга ёрдам беради.

Помидорда антиоксидант лейкопин моддаси мавжуд бўлиб, у ўзининг шифобахшлиги билан витамин Е дан юз баробар кучлидир. Ундан саратон касаллигининг олдини олишда фойдаланилади. Помидор қайнатиб пиширилганда, унинг шифобахш хусусиятлари янада ошади. Масалан, томат пастасида помидор шарбатига қараганда кўп миқдорда лейкопин моддаси мавжуд.

Озиқ-овқат аллергияси билан оғриган кишилар помидор истеъмол қилишни овқатланиш раціонидан чиқарганлари маъқул. Чунки у таомдаги алергенларга сезувчан кишиларга катта зарар етказиши мумкин. Шунингдек, артрит (бўгин оғриғи)да, бўгин ва тўқималар касаллигида, ўт пуфаги ва буйракда тош пайдо бўлиши билан боғлиқ хасталиклар билан оғриган кишилар ундан ўзларини тийишлари зарур. Чунки помидор истеъмол қилиш буйракдаги тошларнинг катталашига сабаб бўлиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

● 1927 йилнинг 22 январида тарихда илк бор футбол мусобақасининг радиотрансляцияси амалга оширилди. Ушанда "Хайбери" стадионида ўтказилган "Арсенал" ҳамда "Шеффилд Юнайтед" клублари ўртасидаги ўйин шарҳи илк бор радио орқали узатилган.

ТУРФА ОЛАМ

Робот ишга олинди

Буюк Британиядаги компаниялардан бири Бирмингем университети олимлари ясаган "Бетти" роботини икки ой сино мuddати билан менежер лавозимига ишга олди.

Робот фақат офисдаги тартибни назорат қилиб боради. Барча ишни эса ходимларнинг ўзлари бажаради. "Бетти" офисдаги, ходимлар столларидаги тартиб, хонадаги ҳарорат ва шовқин даражасига жавобгар. Агар ходим столидаги қандайдир буюм тартибсиз турган бўлса, робот уни бундан хабардор қилади. Робот офис ходимлари ва меҳмонларини дўстона кутиб олиш ва кузатиш имкониятига ҳам эга. Бундан ташқари, робот иш куни тугагандан сўнг офисда қанча ходим қолганини ҳам қайд этиб боради.

Уч гилдиракли автомобиль

Канаданинг "Electra Meccanica" компанияси "Solo" электр автомобили лойиҳасини тақдим этди.

Автомобилнинг бир ўриндики экани унинг янада ихчам бўлиши таъминлаган. Таклиф этилаётган ушбу моделнинг узунлиги — 3,04, эни — 1,21 метр. "Solo" уч гилдиракли бўлиб, уларнинг икитаси унинг олдинги, биттаси эса орқа қисмида жойлашган. Оғирлиги — 450 килограмм. Электр мотор унинг орқа қисмидан жой олади. У 8,64 киловат литий-ионли аккумулятордан қувват олади. Автомобилнинг тезлиги соатига 120 километр бўлиши кутилмоқда. Бир марта тўлиқ қувватлантирилгандан сўнг 160 километр масофани босиб ўтади.

Оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан сўнг автомобилни 16 минг долларга сотиш мўлжалланмоқда.

Хуррият ДОНАБОЕВА тайёрлади.

Эълон!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Монитор Samsung WIDE 22, MB Gigabyte B75m-D2v, Intel Core i5, HD Samsung 1TB, DDR3 4GB, VGA GeForce 1GB/128, DVD-ROM ASUS, Mouse+keyboard, Case 600 WT, Mouse + keyboard Multimedia AV-TECH конфигурацияли компьютер, Canon LBP 2900 принтери сотиб олиш ҳамда партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фойдаланиш учун қуйидаги тарғибот материалларини чоп этиш ва тайёрлаш бўйича тендер эълон қилади:

- партия рамзи туширилган кундалик;
- партия рамзи туширилган қоғоз пакет;
- партия рамзи туширилган елим пакет;
- партия рамзи туширилган ручка.

Телефонлар: 239-45-77, 277-60-15

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

РЕКЛАМА

"Асака" банк жамоаси

Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик куни муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:
"МУСТАҚИЛЛИК – 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

"Асака" банк сармомиянинг сақланиши ва қўшайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Qishloq Qurilish Bank

РЕКЛАМА

"Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси

Сиз азиз журналистларни, нашриёт ва матбаа соҳаси фидойиларини касб байрами — 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ билан муборакбод этади!

Барчага узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва масъулиятли ишингизда улкан зафарлар тилаб, 2016 йил Соғлом она ва бола йили муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги янги жамғармалли омонат турларини таклиф этади:

"Соғлом авлод учун" — омонатга маблағлар 6-12-24 ойга қабул қилинади;

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади ва ҳисобланган фоиздан 2 фоиз миқдоридан омонатчининг розилигига асосан ҳар ойда "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ҳисоб-рақамига ўтказилади.

"Бахтли бола" — омонатга маблағлар 1 йилдан 5 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.